



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 18 январь, № 11 (8073)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

17 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Тошкент шаҳрида бўлиб турган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Сердар Бердимухамедовни қабул қилди.



Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши кўшчилик ва стратегик шериклик муносабатлари кейинги йилларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Ўқори мартабали меҳмон қабул учун самимий миннатдорлик билдириб, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг

саломи ва энг эзгу тилақларини етказди ҳамда Туркменистон етакчисининг барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётган Туркменистон — Ўзбекистон алоқаларига юксак баҳо берилган мактубини топширди.

Унда Туркменистон раҳбари икки мамлакатнинг халқро сийёсат ва минтақавий муносабатлар борасидаги позициялари яқин ва ўхшашлигини алоҳида қайд этган.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларнинг амалга оширилиши қўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажминини ошириш, саноат, энергетика, сув ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида янги кооперация лойиҳаларини рўйга чиқариш ҳамда икки мамлакат транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича ҳамкорликни мустақамлаш масалалари

ва бу борадаги амалий чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви ривожлантириш муҳим экани таъкидланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ҚАМРОВИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 январь куни мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш, ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Мамлакатимизда кўплаб таълим масканлари қурилиб, ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилмоқда. Президент мактаблари қурила бошлаганда давлатимиз раҳбари улар бошқа муассасалар учун андоза бўлиши, таълим муҳитини ўзгартиришини айтган эди. Шундай бўлганда, Жамиятимизда илгари интилиш кучайди. Фарзандини яхши ўқитаман деган ота-оналар, ўқиганга қизикқан ёшлар кўпайди.

2019 йилда юртимизда 271 та ихтисослаштирилган мактаб бор эди. Президентимизнинг аниқ фанлар ва хорижий тилларни ўргатишга оид ташаббуслари, қабул қилган қарорлари натижасида математика ва физика фанлари бўйича 126 та, кимё-биология бўйича 87 та, ахборот технологиялари йўналишида 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослаштирилган мактаб ташкил топди.

Шу тариқа халқ таълими тизимидаги бундай мактаблар сони 790 тага етди. Уларнинг 135 таси тўлиқ, ихтисослаштирилган ва ётоқхонаси мавжуд. Қолган 655 та мактабда атиги 25 фоиз синфларда у ёки бу фан чуқур ўргатилади. Улардаги таълим дастури, ўқитиш методикаси, фан тўрақлари оддий мактаблардан деярли фарқ қилмайди. Мисол учун, математика ёки чет тилига ихтисослаштирилган синфларда 2 соат кўпроқ мазмун фан ўргатилади.

Бугунги замон талаби, келгусидаги тараққиёт суръатига муносиб бўлиш учун бу етди эмас. Шу боис йиғилишда ихтисослаштирилган мактаблар қамровини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

— Бир нарсани чуқур тушуни олишимиз керак: ихтисослаштирилган мактабларда катта марра олганмиз. Бу йил экспортимизни 14 миллиард долларга чикармоқчимиз. 2025 йилга қадар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 100 миллиард долларга, экспорт ҳажминини 30 миллиард долларга етказишни режа қилганмиз. Бунинг қилиши учун кўп қисми кадрлар! — дея таъкидлади Президент.

Ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказилиши белгиланди. — Бу агентликни фақат 14 та мактаб учун тузганимиз йўқ. У Президент мактабларидаги муҳитни, методикани бошқа мактабларга ҳам олиб кириши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунинг учун янги ўқув йилидан бошлаб, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида иккитадан, туман ва шаҳарларда биттадан мактаб танлаб олинди, Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказилди деган бўлди. Бунда ушар худудда ривожланган тармоқлар, азалдан кучли ўқитилган фанларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди. Шу мақсадда ишчи гуруҳ тузилиб, худудлардаги шароитларни ўрганиш, танланган мактабларнинг янги стандартлар асосида

ўқув йилига тайёрлаш юзасидан кўрсатмалар берилди. Ихтисослаштирилган мактабларга қабул тартиби, ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолаш тизимини ҳам қайта қўриб чиқиш кераклиги айтилди. Давлатимиз раҳбари таълим-тарбия мазмунига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

— Ихтисослаштирилган мактаб дегани 2 соат кўп дарс ўтиш дегани эмас. Унда болалар махсус фан бўйича тўлиқ билимга, кенг дунёқарашга эга бўлиши зарур. Ўқувчиларда миллий рух, ватанпарварлик ҳисси бандан бўлиши керак, — деди Президент.

Мактаб таълимининг ривожлантиришга маҳаллий ҳокимликлар, университетлар ҳам масъул экани. Ўзлари учун истиқболли кадрлар захирасини тайёрлаб бориши зарурлиги таъкидланди.

Таълим даражаси, аввало, ўқитувчининг билим ва малакасига боғлиқ. Шу боис ихтисослаштирилган мактабларга раҳбар ва педагоглар икки босқичли танлов асосида қабул қилинади. Президент таълим муассасалари агентлигига ушбу тизим асосида юқори малакали ўқитувчиларни жамлаб, қўшимча ўқитиш, миллий ва халқаро сертификатлар олишига кўмаклашиш топширилди.

Агентликнинг Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази негизда илмий марказ ташкил этиш вазифаси қўйилди. У ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳар бир йўналиши бўйича халқаро методика асосида илгор таълим дастурлари ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Бу ишларни самарали ташкил этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда Президент таълим муассасалари агентлигининг худудий бўлиmlари ташкил этилиши белгиланди. Давлатимиз раҳбари мактабларда хорижий тилларни ўқитиш сифати пастигини кескин танқид қилди.

— Ривожланган мамлакатларда олийгоҳда тил ўргатмайди. Чунки талабалар ёшлигиданда ноқийда тилини билади. Биз 1-синфдан 11-синфгача чет тилини ўргатамиз. Лекин мактабни битирган болаларнинг неча фоизи шу тилда гаплаша олади?! Бунга давлатнинг қанча пули кетаяпти?! Қани натижадорлик, — дея ҳақли савол қўйди Президент.

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги бошқа мактабларда ҳам таълим сифатини ошириш, фанлар ва хорижий тилларни чуқур ўргатиш масалаларига тўхталиб ўтилди. — Таълим тизимини "оёққа қўймас" эканмиз, ихтисотлар амалга ошмайди. Бунинг битта вазирлик ёки агентлик ҳам қилолмайди. Бунга бутун халқимиз, жамиятимиз маҳкам киришиши керак. Наҳотимиз мактабда, наҳотимиз таълимда, наҳотимиз билимда, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Муассасадиларга йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ижроси бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТУРИЗМ, МАДАНИЯТ, МАДАНИЙ МЕРОС ВА СПОРТ СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт йўналишларида инфратузилмани жадал ривожлантириш, объектлардан самарали фойдаланиш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги "Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6199-сон Фармони ҳамда 2021 йил 6 апрелдаги "Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПК-5054-сон қарорига мувофиқ:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар туризм фаолиятини субъектлари ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилиш бўйича харажатларининг бир қисми ҳар бир хорижий турист учун, у республика худудига қамда беш кеча тунаб қолган тақдирда, **10 АҚШ доллари**, қиш мавсумида (20 ноябрдан 20 февралгача) эса **25 АҚШ доллари** миқдорига **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди**.

2. Белгилансинки, 2022 йил 1 майдан бошлаб ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан **Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан** ҳар бир ташаббускорга **50 миллион сўм миқдоридан, жами 10 миллиард сўмгача грантлар ажратилди**. Бунда:

— грант маблағлари онлайн тўловларни қабул қилувчи замонавий веб-сайт яратишга, хорижий мамлакатлардаги туризм кўргазма ва ярмаркаларида иштирок этишга йўналтирилади;

— грант маблағлари белгиланган тартибда хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига **уч йил давомида қамда 200 нафар** хорижий туристлар учун тур ташкил қилиш шарти билан ажратилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги "Умумий овқатланиш ва туризм соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-5232-сон қарорига мувофиқ, Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг асосий молиявий манбаи ҳисобланган **туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш 2021 йил 1 сентябрдан тўхтатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин**.

(Давоми 2-бетда).

Акс садо

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ЯНГИ ТИЗИМ ЎСИШ «ДРАЙВЕР»ИГА АЙЛанаДИ

Маҳалла дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилма.

Айни пайтда юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, кувонч ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур эта олмайди.

Шу боис кейинги беш йилда маҳалла институтига миллий давлатчилигимизнинг асосий қўли бўлини сифатида қараб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ҳамда пухта ўйланган ислохотлар амалга оширилди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар билан танишиш мақсадида вилоятларга ташриф буюрганида, албатта, биринчи навбатда, маҳаллаларда бўлиб, уларнинг муаммолари, дарду ташвишлари билан қизиқди. Керакли тавсияларни беради.

Президент Шавкат Мирзиёев расмида 15 январь куни маҳаллабай ишлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам яна бир бор маҳаллани ўсиш марказига айлантириш ҳақида сўз борди.

Фаол ислохотлар, тадбиркорликни ривожлантириш ва маҳаллабай ишлаш на-

лантириш агентлиги фаолиятини ташкил этилиб, барча масала ҳал қилиб берилди. Эндиликда муассасадилар маҳаллада ҳоким ёрдамчилари фаолиятини йўлга қўйиб, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга шахсан масъул бўлиши кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда қайд этилганидек, ҳоким ёрдамчилари "темир дафтари", "абеллар дафтари" ва "ёшлар дафтари" доирасида ўз маҳаллаларида ўрганишлар ўтказиб, ижтимоий реестрни қайтадан янгилашларига керак бўлади. Энг аввало, ишлаш имконияти ва хоҳиши бор, лекин шароити оғир оилаларни ўқитиш ва ўз ишини бошлаш учун имтиёзли кредит, субсидия ёки деҳқон хўжалиги учун уларга ер майдонлари ажратиш йўлга қўйилади.

Афсуски, жойларда одамлар аҳолини ўқитиш ҳамда тадбиркорликка катта ҳажмда кредит ва субсидиялар ажратилаётганидан беҳабар қолмоқда. Шунинг учун ҳоким ёрдамчилари аҳоли билан ҳар кўни ишлаб, уларга мавжуд шароитларни етказиш, тадбиркорлик ва деҳқончиликка ўргатиш орқали камбағалликдан чиқариш юзасидан топшириқлар берилди. Ушбу мақсадлар учун жорий йилда 10 триллион сўм имтиёзли кредит ва 2,5 триллион сўм субсидия (ҳар бир маҳаллага ўртача 1,3 миллиард сўм) ажратилади.



БАХТГА ЭРИШИШ, ФАРОВОН ЯШАШНИНГ СИНАЛГАН ЙЎЛИ — ИЛМ ОЛИШДИР

Президентимизнинг шу йил 13 январдаги "Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда таълим ва илм-фанни янада ривожлантириш, эртаимиз эгаси бўлган етуқ мутахассисларни камолга етказиш борасидаги ишларнинг яна бир амалий намунаси бўлди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, олий ўқув юртига ушбу маърифат даргоҳида таълим олган, атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов номи берилди. Университетни илмий-технологик ва ижтимоий ривожлантириш, рақобатбардош илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш, байроқдор олий таълим

муассасаси даражасига олиб чиқишга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Эътиборингизга Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори, академик Бакриддин ЗАРИПОВнинг инсон камолоти ва мамлакат тараққиётида билим, илм-фан, китобхонликнинг аҳамияти, Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳани янада юксалтириш, пировардида учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида амалга оширилётган ҳаётбахш ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги мақоласи ҳавола этилмоқда.



Ў.А.

Муносабат

МАҚСАД — ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ

Кейинги йилларда маҳалланинг ислохотлар жараёнидаги иштироки тобора яққолроқ намойён бўлмоқда. Бу, шубҳасиз, ушбу тизим Президентимиз томонидан муносабат кўлаб-қувватлаб келинаётгани билан боғлиқ.

Хусусан, кунни кеча давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида маҳаллабай ишлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди. Мухими, эришилган ютуқ ва натижалар эътироф этилган ҳолда, гапдаги вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, исчи ислохотлар, тадбиркорликни ривожлантириш ва маҳаллабай ишлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар шу файли ўтган йил янги ички маҳсулуд 7,4 фоиз ўсди. Демак, маҳаллабай ишлаш тизимини янада ривожлантириш орқали натижаларимизни бундан-да ахишлаш имконига эга миз. Бу борада янги йилдан юртимиздаги маҳаллаларда иш бошлаган 9 минг 309 нафар ҳоким ёрдамчисининг ҳиссаси ҳатта булишини хозирдан тахмин қилиш мумкин.

Аммо бу шунчаки тахмин эмас, бунинг замирида етарличка асослар бор. Уларнинг энг асосий ва вазифаси сифатида ишлаш имконияти ва исгаги бўлган, лекин шариоати оғир оилаларни ўқитиш ва ўз ишини бошлаш учун имтиёзли кредит, субсидия ёки деҳқон хўжаликлари учун ер майдонлари ажратиш каби масалалар белгиланди ва шунга яраша ваколат берилди. Айниқса, мамлакат етакчисининг "Ҳоким ёрдамчилари — Президентнинг маҳалладаги вакиллари ҳисобланади", деган сўзларининг ўзи энг катта ваколатдир.

Узим фаолият олиб бораётган маҳалладан келиб чиқиб айтсам, ерда тадбиркорлар талайгина. Ўз навбатида, ишбилармонликка қизиқиши бўлган, аммо бунга моддий имконият тополмасдан турган инсонлар ҳам бор. Янги фаолият бошлаган ҳоким ёрдамчиси аллақачон улар билан ишлашга киришиб кетди. Яқин вақтлар ичига маҳаллашизда тадбиркорлар янада кўпайишига ва эҳтиёжманд оилалар сезиларли даражада камайишига ишонамиз. Зеро, мақсадимиз аниқ — маҳаллаларда тадбиркорликни кенг ривожлантириш орқали жойларда ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтиришдан иборатдир.

Табиики, ушбу вазифалар биз, сенаторлардан ҳам катта куч ва билли, энг муҳими, масъулият талаб этади.

Матлуба ФАНИЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Андижон туманидаги «Орол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ЯНГИ ТИЗИМ ҲАМ «ДРАЙВЕР» ИГА АЙЛАНАДИ



Этибор беринг, бугунги пандемия шароитида манаман, деган давлатлар ҳам аҳолининг иқтисодий ҳимоясига маблағ тополмай турган бир пайтда Ўзбекистонда "Инсон қадри учун" тамойили асосида миллиардлаб маблағларнинг халқ фаровонлиги йўлида ажратилаётгани, ҳеч бир инсоннинг эътибордан четда қолмаётгани мамлакатимизнинг кудратли, салоҳиятли давлат эканидан далolat беради.

Уларнинг асосий вазифаси — ўз маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтиришдан иборат. Мутаассадларнинг аҳолини паррандачилик, қўй-эчкичилик, қўғончилик, балчиқчилик, асаларичилик билан банд қилиш учун етакчи тадбиркорларни жалб этиш, мавжуд имкониятларни ўрганиб, тадбиркорлар иштирокида маҳаллаларни инкубатор билан таъминлаш, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қафолатли сотиб олиш тизимини яратиш вазифаси қўйилдики, агар ижро таъминланса, тез орада камбағаллик бартараф қилинади.

Бунинг учун ҳоким ёрдамчилари ҳар қандай бюрократиздан холи бўлиши, ҳеч қайси ҳоким ёки раҳбар уларни

маҳлисларга чақирмаслиги, турли ҳисоботлар билан "кўмиб ташламаслиги" лозим. Улар учун фақат шариоат яратиб бериши керак. Энг катта вазифа иш ўрни ва камбағалликни қисқартириш, оила даромадини кўпайтириш. Маҳаллада мана шундай олижаноб ишлар ташкил этилади.

— Бир нарсани ҳамма аниқ тушуниб олиши зарур. Ҳоким ёрдамчилари — Президентнинг маҳалладаги вакиллари ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси — ўз маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтиришдан иборат, — деди давлатимиз раҳбари.

Таъкидлаш керакики, марказдан ажратилган 300 нафар иқтисодий мутаассис уйма уй юриб, аҳоли муаммоларини ўрганади, натижада қўшимча 6 миллион иш ўрни яратилади.

Маҳалла обод бўлса, юрт обод бўлади. Маҳаллада ўзгартиш бўлса, бутун жамият ўзгаради. Шу маънода, бу йил деҳқончилик учун ажратилаётган 80 минг гектар экин майдонига кам, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларга берилади. Шу орқали 500 минг аҳолини доимий даромад манбаи билан таъминлаш мумкин.

Қурилган чора-тадбирларнинг сам



мараси ўлароқ, ўтган йили худудларда 100 мингдан зиёд тадбиркорлар иш бошлади. Узини ўзи банд қилганлар сони 700 мингга кўпайиб, 1,2 миллионга етди. Бу Ўзбекистон шариоатида жуда катта ютуқ. Маҳаллабай ишлаш тизими орқали "темир дастар"даги 583 минг эҳтиёжманд оила доимий даромад билан таъминланди.

Дарвоқе, 2022 йилни "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилиниши ҳам беҳисоб эмас. Инсон қадри аҳолига сифатли тиббиёт, сифатли таълим, ичимлик суви, газ, электр қуввати, равион ва текас асфальт йўллар билан таъминлаш демакдир. Аҳолининг эҳтиёжманд

қатлами — ногиронлиги борлар, беморлар, ёлғиз, боқувчиси йўқ инсонлар ҳам эътибордан четда қолмайди. Президентимиз селектор йиғилишида айтиб ўтганидек, улар касалхона ва санаторийларга даволанишга юборилди.

Умуман олганда, маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, ичимлик суви тармоқларини, боғча, мактаб, тиббиёт муассасалари, маданият марказларини таъмирлаш ва қуриш, қисқа вақтда, одамларни рози қилишга устувор аҳамият берилади.

Йиғилишда тармоқ ва худудлар раҳбарлари янгича тизимда ишлаш юзасидан ўз режаларини баён қилди.

лов натижаларига кўра, 15 февралга қадар маҳаллаларнинг "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Ақтам ҲАЙТОВ, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси:

— Мамлакатимизда 9 мингдан ортиқ маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини бошлади. Улар фаолиятининг энг асосий мезони сифатида давлатимиз раҳбари 3 та йўналишни белгилаб берди.

Биринчиси, ишсизлар бандлигини таъминлаш. Иккинчиси, камбағалликни қисқартириш ва учинчиси, аҳолининг даромадини ошириш. Мана шу йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар бир маҳаллани хондонбай ўрганиш, уларнинг ҳолати, бугунги кундаги эҳтиёжини аниқлаб, давлат томонидан бериладиган ёрдам ва кўмак манзилли ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳаси бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши ҳамда даромадларини кўпайтиришнинг омилли сифатида алоҳида топишқорлик берилади.

Энди ўрганиш жараёнида ҳоким ёрдамчилари ва у билан бирга ишловчи тизим, жумладан, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг жойлардаги вакиллари ҳам ҳар бир хондоннинг эҳтиёжини ўрганган ҳолда, биринчидан, уларнинг томорқасидан 2-3 марта ҳосил олиш учун аниқ "йўл хариталари" асосида манзилли ёрдам беришади.

Бунинг учун Президентимиз томонидан ҳамма имкониятлар яратиб берилган. Бу йил республика бўйича деҳқон хўжаликлари учун 80 минг гектар ер ажратиб берилади. Бу биринчи марта очик, электрон танлов асосида амалга оширилди. Имтиёзлар, имкониятлар ҳақида халқимизни қўпроқ хабардор қилиш ҳам устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Шавкат АБДУРАЗОҚОВ, Наманган вилояти ҳокими:

— Вилоятимиздаги 780 та маҳаллага вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсидаги раҳбар-ҳодимлар, иқтисодий идоралар вакиллари ҳамда тадбиркорлардан иборат ҳоким ёрдамчилари танлаб олинди, тайинланди. Улар билан барча ташкилий ишлар якуланиб, ўқитиш ишлари, моддий-техник таъминоти ва маҳаллалар тўғрисидаги маълумотлар бўйича ўқувлар ўтказилди. Бугунги кунгача вилоятимиздаги мавжуд 575 мингдан ортиқ хондонлардан 122 мингтаси хатловдан ўтказилди. Унда оилаларнинг аҳоли ҳар томонлама ўрганилди. Камбағалликни

қисқартириш сиёсати нуктаи назаридан ҳоким ёрдамчилари ўз фаолиятида, биринчи навбатда, маҳаллалардаги эҳтиёжманд оилаларни даромадли, бандлиги таъминланган оилаларга айлантириши устувор вазифа қилиб қўйилган.

Бу йўналишда Президентимиз томонидан вилоятимизга 865 миллиард сўм имтиёзли кредит ҳамда 204 миллиард сўм субсидия ажратилиб, маҳаллалар қесимида ҳоким ёрдамчилари ихтиёрига топширилди. Уларнинг тавсияси асосида ушбу хондонларга имтиёзли кредит ва субсидия ажратиш масаласи ҳал этилди.

Наманган вилояти тажрибаси сифатида Президентимиз томонидан яна бир ташаббус олган сурилди. Унга кўра, эҳтиёжманд оилаларни, биринчи навбатда, боқимандалик кайфиятидан чиқариш мақсадида ҳар бир маҳаллада нуруний, зиёлилар, отиной ва оқсоқоллар ҳоким ёрдамчисига кўмакчи сифатида биргаликда хондонларга қариб, уларни кам таъминланган оилалар қаторидан чиқариш бўйича фаол иш олиб бориши белгилаб қўйилди.

Хасан БЕГИЕВ, Шароф Рашидов туманининг Работ маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси:

— Ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ер, банк кредитлари ва субсидияларни ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида ажратиш ваколатлари яна кенгайтириб берилди. Бундан келиб чиқиб, биз, ҳоким ёрдамчилари хондонма-хондон юриб, ҳар бир фуқаро билан суҳбат ўтказиб, улар орасидан даромади кам, эҳтиёжманд аҳоли қатлами аниқлаб, уларнинг даромадини ошириш чораларини кўраёмиз.

Шундан келиб чиқиб, маҳалламизда жорий йилда 334 та доимий ва жамоатчилик асосида янги иш ўрни яратмоқчимиз. Маҳалламизда яратилган асосий иш ўринларининг "драйвер"и далами деҳқончилик, чорвачилик, паррандачиликдан иборат бўлиб келган. Биз уларнинг сонини ва сифатини кўпайтиряёмиз.

Айниқса, иссоқхоналар сонини кўпайтириш, балчиқчиликни ривожлантириш, асаларичилик сирасорларини ўрганиш ҳамда аёлларнинг орасида оилавий тикувчиликни тарғиб қилиш устувор вазифамизга айланган.

Раҳим ШЕРКУЛОВ, Абдували СОЙБНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТУРИЗМ, МАДАНИЯТ, МАДАНИЙ МЕРОС ВА СПОРТ СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) 2022 йил 1 февралдан 2023 йил 1 январга қадар Туризм ва спортни кўлаб-қувватлаш жамғармасига ҳар ойда 2,5 миллиард сўм миқдордаги қўшимча трансфертлар Давлат бюджетидан ажратилишини таъминлансин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги (А.А.Абдухакимов): а) мазкур Фармоннинг 3-бандига мувофиқ ажратилаётган маблағларни туризм ва спортни кўлаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибда белгиланган мақсадлар, шу жумладан, худудлардаги салоҳиятли туризм объекти ва масканларини бирлашми чораларни кўрган ҳолда туристлар ташрифи учун тайёрлаш ва уларни тарғиб қилиш, хорижий туризм ва спорт ярмаркаларида, кўргазмаларда, лойиҳалар ва дастурларда қатнашиш, вазирилик ва унинг худудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий кўлаб-қувватлаш учун йўналтириш ҳамда улардан тўғри ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Бунда Туризм ва спортни кўлаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда унинг худудий бўлинмалари ходимларини қўшимча рағбатлантириш улар фаолиятининг натижадорлиги (КР) ва эришилган ютуқларга қараб амалга оширилади;

б) Туризм ва спортни кўлаб-қувватлаш жамғармасига маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисида ҳар чоракда Молия вазирлигига ҳисобот тақдим этиб борисин.

Туризм ва спорт вазири ўринбосари З.О.Қазоқов Туризм ва спортни кўлаб-қувватлаш жамғармасига маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш юзасидан шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин;

в) Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳжамасига тақлиф киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2022 йил 15 январь

Сенат кўмитасида

БУГУНГИ КУН ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектилари, аҳоли тураржойларида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳофазаси ҳамда Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясидаги устувор йўналишлар мазмун-муҳиятига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Таъкидланганидек, углеводородлар захиралари йил сайин камайиб бориб, жаҳон бозорида нефть ва газ нархлари кўтарилмоқда, бу эса ўз навбатида, қуёш, шамол ва бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларидан унумли фойдаланишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда ислохотлар жадаллашуви, sanoat ривожланиши, аҳоли сонини кўпайтириш натижасида энергияга бўлган эҳтиёж кескин ошиши ва 2030 йилга бориб қарийб 2 баробарга ортиши кутиляпти.

Шундан келиб чиққан ҳолда, барқарор ривожланиш соҳасидаги энг муҳим миллий мақсад ва вазифалардан бири — 2030 йилгача қайта тикланувчи манбалардан олиннадиган энергия улушини жиддий равишда кўпайтиришдан иборат. Аини пайтда шу мақсадда бир қатор амалий ишлар олиб бориляпти.

Иштирокчилар томонидан қайд этилганидек, иқтисодиёт тармоқларида энергия самарадорлигининг пастлиги ҳамда табиий ресурслардан ноқилона фойдаланиш, технологиялар янгилишини сустиги, "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш учун инновация оғимларини жорий этишда хусусий сектор иштироки етарли эмаслиги мамлакатни барқарор ривожлантириш соҳасидаги устувор миллий мақсад ва вазифаларга эришишга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Бу эса иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолини арзон ва қулай энергия билан таъминлашда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилишни талаб этиши ўз-ўзидан тушунарли.

Шунингдек, йиғилишда Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ҳам мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини, хусусан, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш кенгайтириш орқали иқтисодиёт-ижтимоий тараққиётни тўла таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди. Зеро, унда миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш мақсадида

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга қаратилган аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб берилган.

Қолаверса, иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда "яшил иқтисодиёт" технологияларини барча соҳага фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажминини 10 фоизга қисқартириш ҳам мақсад қилинмоқда. 2026 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш 40 млрд. кВт.соатга оширилиб, жами 110 млрд. кВт.соатга етказилади, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш эвазига йилгача қарийб 3 млрд. куб метр табиий газ тежалани ҳамда ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажми 8 миллион тоннага камайирилади.

Йиғилишда sanoat тармоқларида йўқотишни камайитириш, ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш, уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий соҳа объектилари ва бошқа соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бири эканлиги ҳам алоҳида айтилди. Шу мақсадда "яшил иқтисодиёт"га ўтиш ва энергия тежамкорлик дастури ишлаб чиқилди.

Қолаверса, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар молия ташкилотлари маблағлари ва бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқишда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш компонентини киритиш тартиби жорий этилади ҳамда "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш мақсуси жамғармаси тuzилади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ПОЧТА АЛОҚАСИ СИРИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги УаЛидеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 215¹ ҳамда 245¹⁰-моддалар билан тўлдириб тақлиф этилмоқда. Хусусан, 215¹-моддада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгилянанти.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик сифатида очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни эълон қилиш тартибига риоя этмаслик, маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки уларни очик

нинг очиклиги борасида белгиланган мажбуриятларни бажаришдаги масъулиятни янада оширилишига эришилишини эътиборга олиб, уни кўлаб-қувватлади.

Йиғилишда "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида кўмита томонидан 9 мартаба ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилиб, уларда лойиҳани тақомилга етказиш бўйича олимлар, экспертлар ва 30 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан кўлаб тақлиф ва тавсиялар берилди.

Келиб тушган тақлифлар асосида қонун лойиҳасига бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, лойиҳа "Вазирлар Маҳжамаси ваколатлари"

ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида депутатлар "Почта алоқаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.

Фракция йиғилишида қизгин муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси Президентнинг 2021 йил 16 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган "Йўл харитаси"нинг 2-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қайд этиш керак, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши назарда тутилган.

Бирок Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланмаган. Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 215¹-модда ҳамда 245¹⁰-модда билан тўлдириб тақлиф этилмоқда, — дея таъкидлади фракция аъзоси Шохиста Турғунова. — Таъкид этилаётган 215¹-моддада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгиланмаган.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик сифатида очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни эълон қилиш тартибига риоя этмаслик, маълумотларни бузиб

кўрсатиш ёки уларни очик маълумотлар порталига ҳамда расмий веб-сайтларга жойлаштиришнинг белгиланган муддатларига амал қилмаслик ҳолатлари назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг 245¹⁰-моддасида мазкур ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мансабдор шахслари Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳамда судга тақдим этиш ваколатига эғалиги кўрсатиб ўтилмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг очиклик борасида белгиланган мажбуриятларни бажаришдаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Фракция йиғилишида кўриб чиқилган барча қонун лойиҳалари партия нуктаи назари ва электронт манфаатидан келиб чиққан ҳолда маъқуланди.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолиятига доир масала ҳам кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ САНОАТ ДАВРИНИ БОШЛАБ БЕРГАН МЕГАЛОЙИҲА

50 та «Боинг» самолёти. Парижда Эйфель минораси...

2021 йил сўнгида мўжиза рўй берди. Бу мўжиза янги Ўзбекистон йўлини чаракла-тиб юборгандек бўлди, гўё.

Неча минг йилларга гувоҳ бўлган кўҳна Ғузор туманидаги бир пайтлар “қуш учса қаноти куйган” яйдок чўл, бугун эътибор оғушида. Айни кенгликларда қурилган “Uzbekistan GTL” заводнинг шухрати тилларда достон бўлмоқда. Чиндан ҳам, бу заводни кўрган кишининг ақли шошмай илоҳи юк.

Камина ҳам тўғриси, дунёга келиб бунақа маҳобатни кўрмагандим. Балки Францияга бориб, Эйфель минорасини томоша қилган чикарисиз? Лекин бу мажмуа олдидан Эйфель минораси ҳам ип эшолмайди.

Ахир “Uzbekistan GTL” заводига ишлатилган металл конструкциялардан нақд 4 та Эйфель минорасини қурса бўларди-да! Ёки бу мажмуа қурилишига кетган металлдан 50 та “Боинг” самолёти ясаш мумкин экан...

Бу гапларни ўқувчиларимиз завод ҳақида аниқ ва ёрқин тасаввурга эга бўлиши учун айтганман.

Мажмуанинг ноёблиги нимада?

Кўпни кўрган мутахассислар бу мажмуа-ни жуда ноёб дейишганди, унинг ишга туши-ши Ўзбекистон иқтисодиётида янги дивизинг бошлаб беришини баъорат қилишга эйёр.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон номини бутун дунёга кўз-кўз қилаётган бу олам-шумул мажмуа давлатимиз раҳбарининг узокни уйлаб олиб бораётган оқилона сиёсатининг намунаси.

Бўлмаса, дунёдаги манаман деган дав-латларнинг ақлини шоширадиган бу мажмуа-ни Ўзбекистонда қад ростлаши кишининг ту-шига кирибди, дейсиз. Содда қилиб айтган-да, биз газни хорижга арзонгаров сотиб юбо-раётган эдик. Уни шу мажмуада чуқур қайта ишлаб, синтетик суюқ ёнилғига айлантирсак, 3 баравар кўп фойда кўра эканмиз.

Шу фойда кимники? Албатта, Ўзбеки-стонники, халқники, сиёсий, бизники-да! Бу заводнинг Ўзбекистонда қурилиши бизнинг бахтимиз, халқимизнинг фаровонлиги тим-соли, инсон қадрни юксалитишга, эъозла-нишига иқтисодий пойдевордир, десак, асло муболага эмас.

“Эл ғамини билган элда достон”, дейди донишманд халқимиз. Аслида ҳам Президентимиз халқни, эл-юрт фаровон-лиги ва мамлакат тараққиётини уйлаб ти-нин билмайдди. Деярли ҳар бир урчушуда инновация янгиликлар ўртага ташланади ва ёшларимизни билим олишга, ўқиш-интилишга ундайди.

Ушбу лойиҳада ҳам Юртбошимизнинг ақл-идроки ва халқимизга меҳр-муҳабба-ти шундоқ сезилиб турибди. Дунёнинг 4 тагина давлатида — Қатар, Малайзия, Нигерия ва Жанубий Африкада шундай за-вод бор. Лекин биздагиси улардан қуд-ратли, дунёда энг зўри.

Инновация технология асосида метан газидан суюқ ёнилғи олишга иқтисос-лаштирилган ушбу қоронга МДҲ давлат-лари орасида ягона ҳисобланади. У беш

йил деганда қуриб битказилди. Пандемия ҳам бу қурилишни сусайтира олгани йўқ. Завод қурилишида иштирок этган мутахассислар ибораси билан айтганда, у дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари-да фаолият кўрсатаётган қороналар билан ҳамкорликда барпо этилган мегалойиҳадир.

Юксак эътибор улкан марраларга чорлайди

Ўзбекистонда буюк янгиликлар, иқтисодий инқилоб давом этаётган бир пайтда ҳеч ким четда қараб турмаслиги керак. Ёшларни-ку, кўя турайлик, кексалар набиралари руҳиятига бугунги ислохотлар моҳиятини сингдириши лозим.

Масалан, бу заводда ишлаётган мута-хассисларнинг 80 фоизини маҳаллий, ўзи-мизнинг қоракўз ёшларимиз ташкил этга-нини эшитганда ҳар бир ота-онанинг кўз ўнгига фарзандлари келиши, шубҳасиз. Ахир заводда фаолият олиб бораётган, инглиз тилида бурро-бурро гапирётган ёш-ёш ма-ҳаллий мутахассисларни кўрган, қайси ота-она ўз фарзандига тил ўрганишининг аф-заллигини гапирмас экан? Назаримизда, булган ўзбек ёшларига бутун дунёнинг ҳаваси келаётган бўлса, ажаб эмас.

Ҳақиқатан ҳам, Президентимизнинг ёшларга ишончи юксак, мажмуанинг очи-лиш маросимида бу ерда ишлаётган ёш мутахассисларга “олтин фонд”имиз деб таъриф бергани ҳам бежиз эмас-да. Шу мегалойиҳанинг ташаббускори сифатида давлатимиз раҳбари завод қурилиши жа-раёнини — бошланишидан, то ақунгича диққат билан кузатиб борди. Хусусан, 2017 йилнинг февраль ойида, 2018 йилнинг декабрь ойида бу ерга ташриф буюриб, мегалойиҳанинг тез ва сифатли қуриш бўйи-ча мутасаддиларга тавсия ва топшириқлар берди. Ҳамжиҳатлик билан ўз вақтида ам-лага оширилган зарур чора-тадбирлар нати-жасида ушбу муҳим лойиҳа бўйича иш пан-

демия даврида ҳам бирор кун тўхтамади. Мақсад — дунёни хайратга соладиган қудратли заводни қуриб битказиш ва “Ўзбекистон бундай гигант иншоотни қура олмайди, кучи етмайди, кўрасизлар, қолиб кетади бу лойиҳа” деган гап-сўзларни чип-пакка чиқариш эди.

“Интилганга толе ёр”, дейди халқимиз. Мана, бугун мамлакатимиз санатоида ёрқин саҳифа очган тарихий воқеага барчамиз гувоҳ бўлдик. Завод қурувчилари Президент Шавкат Мирзиёевга фарх билан вазифа удаланганини айтишди. Тўғриси, заводга старт берилганда кўзларда севинч ёшлари йилтиради. Шундай мунаввар кунларга етганимизга шукроналар келтирдик.

Ахир, бу кунларга етганлар бор, етма-ганлар бор...

Зарарли газларнинг ҳавога тарқалишига йўл қўйилмайди

Юртбошимизнинг бундай қоронларини ўз кучимиз билан қуришга қодир эканли-гимиз ҳақидаги сўзлари ҳар қандай юрт-дошимизни гурурлантириши рост. Қаранг, энди четдан мутахассис жалб қилишга ҳоҷат қолмайпти. Ўзбек мутахассислари ҳеч кимдан кам эмаслигини тўла намойён этипти. Шунинг ўзи ҳам тараққиёт сари ташлаётган қадамларимиз залварини кўрсатиб турибди.

Ислохот

“Uzbekistan GTL” заводи бўлим бош-лиғи Носир Шокиржонов технологиялар-нинг миридан-сиригача билади. Унинг ай-тишича, лойиҳанинг асосий роли Ўзбеки-стонда ёнилғи мустақиллигига эришиш ҳисобланади. Бу ерда газни қайта ишлаш технологиялари нефтни қайта ишлаш те-хнологияларидан мутлақо фарқ қилади. Ле-кин иккаласи уйғунлашган ҳолда газни ҳам, нефтни ҳам қайта ишлаш технологиялари-га эга бўламиз, дейди у.

Нафсиларини айтганда, мамлакатим-издаги бу завод барча заводлар ораси-да энг барқарори, энг замонавийси ҳисоб-ланади. Бу лойиҳанинг ўзига яраша ноёб томони шундан иборатки, Ўзбекистонда биринчи марта авиакеросин маҳсулотни оли-нади, бу олдинги лойиҳаларда йўқ бўлган.

Умуман, ушбу маҳсулот жуда ҳам юқори сифатга эга. Худди шундай дизель маҳсу-лотлари ҳам олинди. Бизнинг маҳсулот-ларимиз “Евро-6” талабларига тўлақонли мос келади, деб гурурланиб сўзлайди Носир Шокиржонов.



Қолаверса, атроф-муҳитга зарари ҳам кам. Яъни завод чиқараётган маҳсулотлар-нинг атроф-муҳитга зарар келтириши ми-нималлаштирилган, таржибидо олтингургурт миждори деярли йўқ.

Шу боис ҳам “Uzbekistan GTL”да тайёр-ланадиган синтетик ёнилғи аънанавий ёнилғиларга нисбатан 40 фоиз кам чикин-ди ва зарарли газ ҳосил қилади. Бунинг ҳисобидан, йилга 13 минг 500 тонна зар-арли газларнинг ҳавога тарқалишига йўл қўйилмайди.

Биринчи ва ҳозирча ягона газ-кимё кластери

Мутахассислар табиий газдан синтетик суюқ ёнилғи олиш жуда ноёб жараён, дейишади. Бунинг учун юқори технология-лар ва мураккаб илмий ечимлар талаб қилинар экан. Ҳам қиймати, ҳам миқёсига кўра улкан “Uzbekistan GTL” каби завод-ларнинг дунёда бармоқ билан санарили экан-ни боиси ҳам шунда.

Бу билан ҳар қанча фархлансак, арзийди. Қувонарли жиҳати шуки, бу лойиҳа Ўзе-бекистонда янги саноят даврини яратиш йўли-даги илк йирик қадамлардан биридир. Ишонч билан айта оламизки, у келгусида бу борада иқтисодимизни ривожига ул-кан ҳисса қўшадиган, унинг рақобатбар-

...Янгиликнинг, яхши гапнинг қаноти бўлади. Дунё афқор оммасининг эътиборини тортган ушбу оламшумул воқеа Ўзбекистон халқига, кексаю ёшга бирдай қувонч бағиш-лади, юракларда юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада оловлантириди. Чунки кейинги йилларда мамлакатимизда саноят ривожини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга олиб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижаси бўлиши бундай улкан мажмуалар мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ва изчил ривожланиши, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

Таклиф ШИФОКОРЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШДА

тиббий хизмат тури, мураккаблиги ва натижа ҳисобга олинса яхши бўларди

Аҳоли манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш, хизмат кўрсатиш сифатини оширишда, албатта, уларнинг фикрлари билан ўрток-лашши ва таклифларига таяниш жуда самарали усул саналади.

Келгуси беш йилликда мамлакатимиз ҳаётининг барча жаҳасига замон нафаси ва янгиликларни ҳарорати бахш этувчи Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳаси яқинда кенг жамоатчилик томони-дан қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидлаш ўринлики, Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да мамлакатимизни ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши доирасида 100 га яқин мақсадларга эришиш назарда тутилган.

Қайси соҳада фаолият юритишдан қатъи назар, кўлаб юртдошларимиз, оддий фуқаролардан тортиб давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, илм-фан вакиллари, ёшлар ўзларининг таклифларини билдириб, Тараққиёт страте-гиясининг янада пишиқ-пухта бўлиши-да, шунингдек, унда халқимиз хоҳиш-иродаси тўла қамраб олиншига ўз ҳиссасини қўйди.

Тараққиёт стратегиясида репродук-тив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, бо-лалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаш-тириш ҳам назарда тутилган. Бу мақ-сад амалга оширилиши ҳисобига 46 та туманлараро перинатал марказ ташкил этилди ва улар кадрлар, зар-ур тиббий техника ҳамда буюмлар билан таъминланди.

Муҳокамалар жараёнида перинатал марказларда фаолият юритаётган ши-фокорлар ва тиббиёт ходимлари меҳ-натига ҳақ тўлашда қўрсатиладиган ти-ббий хизмат тури, мураккаблиги ва эри-шилган натижаларни ҳисобга олиш ма-саласини ҳам “Йўл харитаси”га кирит-ишни таклиф қилдик.

Бугунги кунда бошқа соҳаларда бўлгани каби тиббиётга ҳам замона-вий ахборот-коммуникация техноло-гияларини кенг жорий этиш ҳамда со-ҳани рақамлаштириш ва ахборот ти-зимлари ягона комплексини йўлга қўйиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Шу боис ҳудудлардаги мавжуд ҳолатлардан келиб чиқиб, ушбу йўналишда фаолият олиб борадиган мутахассисларни тайёрлаш, хусусан, перинатал ва скрининг марказларида уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш мақ-садга мувофиқлигини ҳам билдирдик.

Бунинг учун Жамоат саломатлиги техникумлари қрошида IT оператор-хизматларини тайёрлаш курси ёки йўналишини ташкил қилиш айти мудоаидир.

Яна бир масала, кўмитамизга ҳудуд-ларда ўрганишнинг давомида аҳоли то-монидан нафақат илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида ил-мий, илмий-педагогик ва меҳнат фао-лияти билан шугулланувчи илмий да-ражага эга ходимларга, балки турли ташкилотларда, жумладан, тиббиёт му-ассасаларида ишлаётган илмий дара-жага эга малакали ходимларнинг ҳам лавозим машоғурига қўшимча устама тўлаш амалиётини жорий этиш бўйича таклифлар келиб тушмоқда. Назарим-да, бу таклиф ҳам инобатга олинса, нур устига нур бўлар эди.

Манзура САЛИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ: НАТИЖАЛАР КУТИЛГАНИДЕКМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан “Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси: йил якуналари сарҳисоби” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуман

Қайд этилганидек, мамлакатимиз-нинг миллий манфаатларига жавоб берадиган ҳамда яқин ва узок хорижий давлатлар билан алоқаларни кенг-гайтиришга қаратилган фаол, очик, прагматик ва чуқур ўйланган амалий та-шқи сиёсий йўналишни ривож-лантириш бўйича кенг кўламли иш-лар амалга ошириляпти.

Ўтган вақт мобайнида қўмита қонун ижодкорлиги йўналишида 10 та қонун лойиҳасига масъул бўлди. Улар-нинг барчаси қабул қилинди. Қўмита масъуллигида Сенат ва Қонунчилик палатасининг 4 та қўшма қарори, 10 та концепция, дастур, режа ва “йўл хариталари” тасдиқланди. Бундан ташқари, йил давомида 10 дан ортиқ қонун лойиҳалари ва бошқа қонун ҳуж-жатларига таклиф ва тавсиялар тақ-дим этилди.

Қўмита ўзининг ўтган даврдаги фаолияти довомида парламент на-зоратининг тасвирчан механизмла-ридан самарали фойдаланган ҳолда, жойлардаги тизимли муаммоларни ҳал этиш, давлат ва ҳўжалик бошқа-руви органлари зиммасидаги муҳим масалаларнинг ўз вақтида ижро қили-ниши ҳолатини ўрганиш муҳим аҳамия-т касб этади.

Шундан келиб чиқиб, ҳисобот дав-рида қўмита томонидан қонун ижод-корлиги ва назорат-таҳлил йўналиши-да, шунингдек, ташкилий-амалий тақ-дирлар доирасида ҳамкорлик алоқа-ларини ўрнатган бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамда олий таълим му-ассасалари ва маданий-маърифий мар-казлар аъзолари иштирокида 36 та тур-ли тадбир ўтказилган. Жумладан, 5 та қўмита аштити, 4 та назорат-таҳлил ва мониторинг тадбири, 9 та давра суҳбати, халқаро конференция ва се-минар, 2 та форум, 3 та илмий анжу-ман ва амалий мулоқот ҳамда 6 та бошқа турдаги тадбир ўтказилди.

Анжуманда таъкидланганидек, сўнгги йилларда бутун дунё бўйлаб тарқалган COVID-19 пандемияси халқаро ва парламентлараро ўрчушув-лар ва дипломатик алоқаларни ўтка-зишда бир қатор нуқолай вазиятлар-ни вужудга келтирди. Лекин шунга қарамастан қўмитанинг бевосита му-вофиқлаштируви натижасида икки па-латанинг хорижий мамлакатлар пар-ламентлари ва қонунчилик органлари билан тузилган ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлари сони 2021 йилда 53 га етди. Хорижий мамлакатларга уюштирилган хизмат сафарлари 56 тани ҳамда Президент

сайловида халқаро қузатувчилар билан Қонунчилик палатасида ўтказилган учрашувлар сони 18 тани ташкил этди. Айтиш жоизки, қўмита томонидан сайловчилар кўтарилган масалалар ва жойларда олиб борилаётган ўрчанишлар давомида аниқланган камчилик ҳамда муаммоларга мута-саддилар эътиборини қаратган ҳолда ҳал этишга устувор аҳамият берил-ди. Жумладан, 2021 йилда қўмита та-шаббуси билан асосланганлиги ту-шунтириш бериш ёки нуқтани назари-ни баён этиш талаби билан давлат ва бошқарув органлари мансабдор шахсларига битта парламент сўрови жўнатилган. Шу билан бирга, қўмита аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан 13 та депутат сўрови юборилганлиги таъкидланди.

Қўмита аъзолари жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари-ни ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни мумкин қадар ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор қаратди. Қўмитага келиб тушган жами 628 та муносабат белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, тегишлилигига кўра вазирлик ва идо-ралар ҳамда маҳаллий давлат орган-ларига юборилди.

Шунингдек, қўмита томонидан ва-зирлик ва идоралар раҳбарларининг эшитишларини назорат-таҳлил тарти-бида ўрганиш бўйича Ташқи ишлар вазирилиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги ҳузуридан қўмитага маълумот (5 йилдан ортиқ вақт) таъминланди. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари-да кўтарилган масалалар қай дара-жада ҳал этилаётгани, чет элданги Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлган шахсларнинг ҳамда хорижга чиқаёт-ган меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши ҳо-лати ҳақида”ги ҳисоботлари эшитили-ши натижасида фуқаролар томони-дан қўмитага маълумотларнинг акса-рияти ўзининг ижобий ечимини то-пгани қайд этилди.

Анжуманда Халқаро ишлар ва пар-ламентлараро алоқалар қўмитаси ра-иси Д. Файзиева тадбир иштироки-ларига етказилган маълумотларга қўшимча қилган ҳолда, қўмитанинг асосий ва устувор мақсадлари, қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ва таъ-сирчан парламент мониторингини ти-зимини ва шу каби фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни ўз вақтида ха-бардор қилиш бўйича самарали иш-лар олиб борилаётганлиги ҳақида маълум қилди.

“Халқ сўзи”.

ҚЎМИТА НЕЧТА ҚОНУН ВА ҚАРОР ЛОЙИҲАСИГА МАСЪУЛ БЎЛДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан “Аграр соҳадаги ислохотлар: самара ва натижалар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Сарҳисоб

Унда қўмитанинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан ОАВ ходим-ларига батафсил ва таҳлилий маъ-лумотлар берилди.

Қайд этилганидек, қўмита ўтган даврда қонун ижодкорли-ги йўналишида 10 та қонун, 4 қарор лойиҳасига масъул бўлди. Қонун ва қонунности ҳуж-жатлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ҳамда улар

яқунлари бўйича давлат ва бошқарув органлари мансаб-дор шахсларининг ахбороти-ни эшитиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Шунингдек, сайловчилар томо-нидан кўтарилган масалалар, жой-ларда олиб борилаётган ўрганиш-лар давомида аниқланган камчи-лик ҳамда муаммоларни ҳал этиш-га устувор аҳамият қаратилиб, 7 мартаба тегишли вазирилик ва идора раҳбарларининг ахбороти

эшитилиб, таклиф ва тавсиялар берилди.

Ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатла-рини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга алоҳида эъти-бор қаратилди. Қўмита номига кели-б тушган 608 та муносабат бел-гиланган тартибда кўриб чиқилиб, ижобий ечим топилди.

Таъкидланганидек, кейинги пайтларда фуқаролар томонидан йўланаётган муносабатларда қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштиришга доир таклиф-лар салмоғи ошиб бормоқда. Ўз навбатида, ушбу таклифлар қўмита аъзолари томонидан ат-рофича кўриб чиқилмоқда. Бу каби омиллар қонун лойиҳалари-

нинг янада пишиқ-пухта бўлиши-га хизмат қилмоқда.

Қўмита фаолиятини самарали ташкил этиш, қонун лойиҳалари-ни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, амалга ошири-лаётган ислохотларни аҳоли ўрта-сида кенг тарғиб қилиш мақса-дида тарғибот тадбирлари ўтка-зилди. Шунингдек, қўмита аъзо-лари иختимий тармоқлардаги шахсий саҳифалари орқали аграр соҳадаги ислохотларни ҳуқуқий тартибга солиш борасида амал-га оширилаётган ишлар ҳақида ҳам кенг жамоатчиликка маълумотлар етказиб берди.

Матбуот анжуманида журналист-лар томонидан берилган савол-ларга батафсил жавоблар берилди.

“Халқ сўзи”.

Инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сонли қарорига мувофиқ, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар учун замонавий талабларга жавоб берадиган арзон уй-жойлар қуриш ва бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ҳамда иختимой ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ходимларига кўп квартиралли ҳамда икки қаватли уйлари тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қурилиш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамкорликка таклиф этилди. Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар вакилларида куйидагилар талаб қилинади.

1. Инвестор ёки қурилиш ташкилоти-нинг низоми ва гувоҳномаси.
2. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг фаолияти ҳақида маълумот (5 йилдан ортиқ ишлаган бўлиши керак).
3. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғриси-да маълумотнома.
4. Давлат солиқ инспекцияси томони-дан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғриси-да маълумотнома.
5. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси тўғрисида маълумот.
6. Қурилиши режалаштирилган кўп квартиралли уйлар ҳудудида лойиҳа такли-фи (уч босқичда бош режа, фасад, қават-лар режаси, 3D кўринишда).
7. Қурилиши режалаштирилган икки қаватли уйлар ҳудудида лойиҳа таклифи (бир босқичда бош режаси, икки, уч, тўрт сотивлик икки қаватли уй-жойларнинг фа-сад, қаватлар режаси, 3D кўринишда).
8. Қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш мuddатлари ва қурилиш шартла-ри кўрсатилган тармок режаси (тасдиқлан-ган кўринишда).
9. Қурилган уйлارнинг энг қаммида

50 фоизини Жазони ижро этиш депар-таменти ва тизимидаги ходимлар учун имтиёзли, арзонлаштирилган нархлар-да сотиш бўйича ҳисоботи (тижорат таклифи).

10. Лойиҳаланаётган кўп қаватли ту-раржой бизнесига қўшимча равишда ав-томобиллар тураржойи ҳамда болалар май-дончаси бўлиши шарт.

11. Лойиҳаланаётган кўп қаватли ҳамда икки қаватли тураржой биносининг қаватла-рини ер майдони жойлашган туман бош ар-хитектори билан маслаҳатлашган ҳолда ке-лишиши лозим.

12. Қурилиши режалаштирилаётган икки қаватли уйлар учун алоҳида иситиш тизи-ми ва электр тизими бўлиши, қуриляётган

ер майдонидаги керакли биноларни ўз ҳисобидан демонтаж қилиш.

I. Қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли тураржой биноси бўйича инвестор ёки қурилиш ташкилотлари лойиҳа-смета ва геодезия ишларининг харажатларини ўз маблағларига ҳисобидан молиялаштириди.

II. Мазкур шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагида бўлган инвестор ёки қури-лиш ташкилотлари мутасаддилари 2022 йилнинг 31 январь кунига қадар ўз таклифларини қуйидаги манзилга юбори-лари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Фаргона йўли қўчаси, 25-уй. Телефонлар: 7

